Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 150 (7290). ● 6 август, 1980 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXVI ФАЛАБА РАПОРТЛАРИ

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

КПСС XXVI съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани кун сайин авж олдираётган Калинин районидаги «Хасково» совхози механизаторлари янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Хўжалик деҳқонлари бу йил сабзавот экинлари, айниқса, картошкадан мўл ҳосил олмоқдалар. Ҳозиргача 2100 тоннадан ортиқ картошка етиштирилди, давлат қабул пунктларига пландаги 1700 тонна ўрнига 1800 тонна картошка топширилди ва йиллик план муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди.

— Хўжалигимизда, — дейди совхоз директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Т. Бекматов, — бошқа соҳаларда ҳам юқори кўрсаткичларга эришмоқдамиз. Давлатга гўшт, сут, пилла, картошка, сабзавот, дон, мева топшириш бўйича беш йиллик план муваффақиятли бажарилди. Жумладан, пландаги 260 тонна ўрнига 289 тонна гўшт, 3312 тонна ўрнига 3392 тонна сут, 66,6 тонна ўрнига 88,4 тонна пилла, 7695 тонна ўрнига 9061 тонна картошка, 38 минг 330 тонна ўрнига 41 минг 456 тонна сабзавот, 185 тонна ўрнига 374 тонна дон, 1190 тонна ўрнига 1231 тонна мева етказиб берилди.

Хўжалигимиз деҳқонлари ва чорвадорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 20 тонна гўшт, 600 тонна сут, 300 тонна картошка, 6 минг тонна сабзавот, 256 тонна дон, 50 тонна мева етиштириш учун курашмоқдалар.

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИ ДАВОМ ЭТАДИ

ПАХТАКОР РЕСПУБЛИКАЛАР ЎРТАСИДА ЎЗАРО ТЕКШИРИШ БОШЛАНДИ

Давом этиб келаётган яхши анъанага кўра, қардош пахтакор республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари 5 август куни Ўзбекистонга келди.

Озарбайжон делегациясига Озарбайжон ССР тайёрлаш министри Т. Х. Оружев бошчилик қилмоқда. Бу делегация Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Жиззах областлари қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини текширади.

Тожикистон делегацияси Андижон, Фарғона, Сурхондарё ҳамда Сирдарё областларининг колхоз ва совхозлари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганлигини текширишга киришди. Делегацияга СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли «Главтаджикводстрой» бошлиғи А. Қ. Қосимов бошчилик қилмоқда.

Туркманистон ССР қишлоқ хўжалик министри К. С. Сахатмуродов бошчилигидаги Туркманистон вакиллари Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё областлари дала ва фермаларининг ходимлари қабул қилган мажбуриятларни қандай бажараётганликларини текширадилар.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг ўзаро текшириш делегациялари Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистонга жўнаб кетди.

* * *

Ўзбек ва озар пахтакорлари кўп йиллардан бери мусобақалашиб келаётирлар. Меҳнат беллашуви ҳар икки республика меҳнаткашларига янги-янги ютуқларни қўлга киритиш, бир-бирларининг тажрибаларидан ўрганиб, пахта ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириш имконини бераётир.

Кеча серқуёш диёримизга қардош Озарбайжон ССР ўзаро текшириш бригадаси ташриф буюрди. Озарбайжон ССР «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси раисининг ўринбосари А. М. Самойлов раҳбарлигидаги ўзаро текширш группаси вакиллари областимиз хўжаликларида бўлиб, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилиши билан танишишни бошлашди.

Озарбайжонлик мусобақадошлар Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозида бўлганларида ғўза парвариши жадал суръатларда олиб борилаётганлигининг гувоҳи бўлишди. Озарбайжон ССР Салян районидаги 1-совхозининг бригада бошлиғи С. Зейналов хўжаликнинг Х. Султонов бошлиқ бригадаси пахтазорларини диққат билан кўздан кечирди.

— Бу йилги мажбуриятларингиз қандай? — қизиқди меҳмон.

— 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш мажбуриятини олганмиз, — деди Хатам Султонов.

— Ҳозир ҳар тун ғўзангизда ўртача 10 тадан кўсак бор экан. Агар парваришни ҳосил етилгунга қадар бўшаштирмасангиз, бемалол 45 центнерлик маррани эгаллашингиз мумкин. Бизнинг бригадамиз коллективи ҳам 100 гектар майдондан 44 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган эди. Агар майли десангиз, бригадаларимиз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун ўзаро мусобақалашсалар. Бу партиямизнинг бўлажак XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари бўлар эди.

Пахтазорнинг ўзида озарбайжонлик ва ўзбекистонлик бригада бошлиқлари ўзаро мусобақалашишга аҳдлашиб олдилар. Озарбайжонлик дўстлар ленинизмлик мусобақадошларига август ойида ғўзани камида икки марта суғориш лозимлигини маслаҳат қилишди. Улар баъзи пайкалларда ғўза чаноқатиб қўйилганлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Ўзбек пахтакорлари озар дўстларига бу қимматли маслаҳатлари учун қизғин ташаккур изҳор этиб, кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф этажакларини айтишди.

Шундан сўнг ўзаро текшириш группаси Ленин номли колхоз пахтазорларини кўздан кечиришди. Бу хўжаликнинг А. Йўлдошев бошлиқ бригадаси коллективи КПСС XXVI съезди шарафига авж олган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқдилар ва 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қарор қилдилар. Озарбайжон ССР Соатли районидаги «Москва» колхози раиси Асад Али ўғли бригадада бу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Ҳозир ҳар тўп ғўзада 10—12 тадан кўсак санаш мумкин. Пахтакор ва механизаторлар ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва суғоришни тобора, кучайтиришмоқда.

Ленин номли колхоз раиси Нишонали Авазов озарбайжонлик мусобақадошларга хўжаликда пахта теримига ҳам пухта тайёргарлик кўрилаётганлигини гапириб берди. Барча терим агрегатлари ишга шай қилиб қўйилган. Хўжаликда бу йил ялпи ҳосилнинг камида 80 процентини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланмоқда.

Мусобақадошлар колхозининг Қўчқор Ўсаров бошлиқ бригадасида ҳам ғўза парвариши шу куннинг талаби даражасида олиб борилаётганлигини қайд этишди. Бригада коллективи ғўза қатор ораларига олтинчи ишлов бераяпти. Пахтазорларга тўртинчи сув тараш бошлаб юборилган.

Кеча ўзаро текшириш группаси Чиноз райони хўжаликларида ҳам бўлди. Улар Киров номли колхознинг икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ бригадаси пахтакорларининг маҳоратига айниқса юқори баҳо беришди. Съездолди йилида 62 центнерлик маррани қўлаган миришкорлар ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида ташкил этганлар. Бу йил ялпи ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олишни аҳд қилган механизаторлар «зангори кема»ларини сифатли ремонт қилиб қўйганлар.

Мусобақадошлар райондаги «Қизил Октябрь», К. Маркс номли колхозлар ва бошқа хўжаликларда ҳам бўлиб, олинган мажбуриятларининг бажарилиши билан танишдилар, ғўза парваришини кучайтириш ва ҳосилни теримига тайёргарлик кўриш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар.

Бугун озарбайжонлик мусобақадошлар ўзаро текширишни давом эттиришади.

Э. ЭРНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: озарбайжонлик мусобақадошлар Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз пахтазорларида.

А. Абалян фотоси.



ПЛАН ОРТИҒИ БИЛАН

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз сабзаворларни ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга мўлжалдаги 10800 тонна ўрнига 14 минг тонна сабзавот топширишга бел боғладилар. Ана шу мақсадда эрта баҳордан зарур тадбирлар амалга оширилди, катта-катта майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Миришкорлар ҳозиргача давлатга 5600 тоннадан ортиқ сабзавот топширдилар ва юксак социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Картошка ҳосили ҳам мўл бўлди. Ҳозиргача 601 тоннадан ортиқ картошка топширилиб, план ортиғи билан адо этилди. Колхозда карам, пиёз ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил олинмоқда.

Деҳқонлар кечки экинлар парваришини кучайтириб, съезд шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб иш олиб бораётирлар.

Колхознинг Зохид Роҳатбоев, Маҳамад Нортоев, Шомурод Маҳкамов, Акром Зохидов ўртоқлар бошлиқ бригадалари, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу бригадаларнинг коллективлари бир йилда икки йиллик план миқдорида маҳсулот топшириш учун курашмоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГАЧА

«МАЛИКА» АҲДИ

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиз пойтахтининг нешқадам корхоналаридан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бирлашма филиаллари ва цехларида Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг йиллик планни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бажариш юзасидан бошлаган ташаббуслари тобора кенг ёйилмоқда. Янги-янги цехлар, бригадалар, айрим ишчи-ҳизматчилар бу ҳаракатга қўшилиб, зиммаларига олинган мажбуриятлар олишяпти.

Йиллик планни 7 ноябргача бажаришга аҳд қилган бригадалар сони 30 га яқинлашиб қолди. Улар иш вақти ва мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни қўлланиш ҳисобига шундай марраларга эришишга аҳд қилдилар.

Корхона коллективи шу йилнинг иккинчи кварталини яхши меҳнат ютуқлари билан якунлади. Октябрь район корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллади ва район кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириш ҳақидаги қароридан руҳланган трикотажчилар эришилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжуманини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун янада зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

А. ҒУЛОМОВ,
ТошДУ студенти.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ В. А. ГРИНЧЕНКОГА «СССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет музика санъатини ривожлантиришда катта ютуқларга эришганлиги учун А. Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат академик Катта театрининг солисти ўртоқ Вячеслав Александрович Гринченкога «СССР халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил, 5 август.

Л. И. БРЕЖНЕВ Н. ЧАУШЕСКУ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 4 август куни Қримда Руминия коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан дўстона учрашди.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску кўпдан-кенг ва асосли характерга эга бўлган Совет — Руминия муносабатларининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олдилар. Кўп соҳаларда, шу жумладан экономика каби ғоят муҳим соҳада алоқалар ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар икки партия ва давлатнинг арбоблари энергетика, машинасозлик, электроника соҳасида шунингдек ҳар икки томонни қизиқтираётган бошқа соҳаларда узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликни кучайтириш зарур эканлигини таъкидладилар.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида қатнашувчи мамлакатлар ихтиёрида бўлган саноат ва илмий-техника потенциалини эътиборга олганда, уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш янги юксак иқтисодий марраларга чиқиб олишни таъминлаш имконини беради. Совет Иттифоқи ва Руминия бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда икки томонлама асосда, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доираларида интеграция ва кооперативлашни чуқурлаштиришга интиладилар. Бу эса қатнашувчилардан ҳар бирига тобора кўп наф келтиради.

Л. И. Брежнев ва Н. Чаушеску ўртоқлар таъкидлаб ўтганидек, воқеаларнинг боришни Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг май кенгаши ҳужжатларида берилган баҳо ва чиқарилган хулосалар тўғри эканлигини тасдиқлади. Бу баҳо ва хулосалар қардош мамлакатларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари учун ахлоқ бўлиб, ҳизмат қилади. Улар бундан-буён ҳам кескинликнинг юмшатилишини қаттиқ туриб ҳимоя қилажакларини, турли социал системаларга мансуб бўлган давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаб, сиёсий мулоқотни ривожлантиражакларини, тинчлик сиёсатини давом эттириб барча халқларнинг мустақил ривожланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилажакларини билдирдилар.


Қуролланиш пойгасини авж олдирмай, уни тўхтатиш мақсадида зўр бериб ҳаракат қилиш ихтиёрлар ва низоларни кучайтирмай, балки мозароларни адолатли тарзда бартараф қилиш, тинчлик йўлидаги алоқаларни, чеклаб қўймай, балки ривожлантириш — ҳозирги вақтда халқаро ҳаёт зўр бериб илгари сураётган талаблар мана шундан иборат.

Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску Совет Иттифоқи ва Руминия Мадрид учрашувини амалий ва конструктив руҳда ўтказиш тарафдори эканликларини таъкидладилар. Улар бу учрашувнинг диққат-эътибори Европа қитъасида хавфсизлик, ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлашга ҳизмат қиладиган амалий тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилиши лозим, деб ҳисоблайдилар. Мадридда ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланишга бағишланган умумевропа конференциясини чақириш тўғрисида сиёсий қарор қабул қилиш муҳим аҳамиятга молик бўлур эди.

БМТ Бош ассамблеясининг янги иқтисодий тартибга ва халқаро миқёсдаги бошқа иқтисодий проблемаларга бағишлаб ўтказиладиган сессияси муҳим эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Учрашув ҳамжиҳатлик руҳида ва дўстона вазиятда ўтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, РКП Марказий Комитети сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР Ташқи ишлар министри Ш. Андрей қатнашдилар. (ТАСС).



Учрашув пайти.

(ТАСС махсус мухбири В. Мусазьян телефотоси).

ЧИНОЗ РАЙОНИДА

ИПАТОВОЛИҚЛАР УСУЛИДА

Тошкент областидаги «Чиноз» наслчилик совхозтехникумида маккажўхоридан силос бостиришга киришилди. Бу ерда ҳар бир центнер маккажўхори силоси атиги 12 тийинга тушмоқда. Бу эса планда белгиланганидан икки баравар арзондир. Ишнинг оқилона ташкил этилганлиги силос таннархини камайтиришга ёрдам берди. Бу тадбир механизаторларнинг иш унумини ҳам ошириш имконини туғдирди. Хўжаликда ипатоволик галлакорлар усулида 4 та комплекс ўрим-йиғим — транспорт отряди тузилди. Ҳар бир отрядда 2 тадан комбайн, 8 тадан тележкали трактор бор. Мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ маккажўхори тез суръатлар билан ўриб-йиғиб олинмоқда. Деҳқонлар траншеяларга ўн минг тонна силос бостиришни мўлжалламоқдалар. Бу эса топширикда белгиланганидан анча кўпдир.

(ЎзТАГ мухбири).

КЎП СУТ СОҒИБ ОЛИНМОҚДА

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникумидан сут соғувчи Валентина Кнаус парвариш қилаётган «Сабля» лақабли сигир мисли кўрилмаган миқдорда — суткасига 45 килограммдан сут бермоқда. Илғор чорвадор бир йил ичида ана шу сигирдан 9,5 минг килограмм сут соғиб олишни мўлжалламоқда.

В. Кнаус ола зот бошқа сигирлардан ҳам кўп сут соғиб олишга эришмоқда, унга эса 50 та сигир бириктириб қўйилган. Моҳир чорвадор йил бошидан буён ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 3 минг килограммдан сут соғиб олди. У Тошкент райони чорвадорларининг ўнинчи беш йиллик топширикларини мудлатдан илгари бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги тадбирлари билан танишиб чиққанидан кейин илгари қабул қилган мажбуриятларини қайта кўриб чиқди. В. Кнаус ҳар бир сигирдан йил давомида 5700 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилди. Бу эса илгари ваъда қилганидан 200 килограмм кўпдир.

Ферманинг бошқа сут соғувчилари ҳам ўзлари учун янги марраларни белгиладилар. Масалан М. Арестова бир йилда 6 минг килограмм эмас, балки 6300 килограмм сут соғиш мажбуриятини олди.

Ҳозир хўжалик чорвадорлари графикдан анча ўзиб меҳнат қилмоқдалар. Моллари рационал озиқлантиришга катта эътибор берилмоқда. Сигирларнинг рационига беда кўкати билан бир қаторда жониворларнинг сутини кўпайтирадиган хашаки қовоқ, олма турплари ҳам киритилди.

Хўжалик сут соғувчилари бир йилда ҳар сигирдан 5 минг килограммдан сут олиш маррасини белгилашган.

(ЎзТАГ).

МЎЛ КАНОП ЕТИШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Бригадамиз лубкорлари кўп йиллардан бери каноп етиштириб келадилар. «Кўк олтин»дан мўл ҳосил олиш — экин агротехникасига қатъий риоя қилишга боғлиқдир. Айниқса ёз фаслида парвариш уюшқоқлик билан ўтказилиши зарур. Чунки бу даврда каноп ниҳолларининг кунига 7—8 сантиметр ўсишини таъминлашимиз керак.

Шу кунларда ўз вақтида суғориб туриш жуда муҳимдир. Чунки, озиқлантириш, культивация қилиш ишлари тугалланди. Ҳозир дастлабки экилган каноп ниҳолларининг бўйи бир ярим метрдан ошиб кетди. Энди унинг ичига трактор киритиш анча мушкул. Шу боисдан ҳам вақтида суғориб, зарпечакдан омон сақлаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Бригадамиз тажрибаси канопнинг ниҳоятда намсевар экин эканлигини кўрсатиб турипти. Каноп ўсиш даврида бир гектар ердан ўртача 6—8 миинг кубометрдан зиёд сувни буғлантириб юборади. Шунинг учун ҳам биз доимо тупроқда намнинг етарли бўлишига алоҳида аҳамият берамиз. Бу ҳолда толалар яхши шаклланади, сифати кўнгилдагидек бўлади. Ҳатто қисқа муддат ичида тупроқда нам етишмаганда ҳам поянинг ўсиши секинлашади, ўсимликда тола ҳосил қилиш жараёни тўхтайди. Ҳуллас, тола сифатига путур етади.

Лубкорларимиз каноп шоналаётган, гуллай бошлаган кезларда, айниқса, тадбиркорлик билан иш тутадилар. Бундай пайтларда поясини олиш учун экилган канопни чаноқатиб қўйиш ҳосилдан ютказиш билан баравар.

Фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаси асосида иш юритиб, кейинги тўрт йил ичида каноп ҳосилдорлигини 16 центнерга оширдик. Ўтган йили 70 гектар майдонда 44 центнердан ҳосил етиштирдик. Бу юксак мажбуриятга яраша ҳосил тўпланаётганлигини мамнуният билан қайд этди. Ҳозир ҳар тўп ғўзада 10—12 тадан кўсак санаш мумкин. Пахтакор ва механизаторлар ҳосилга-ҳосил қўшиш учун ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва суғоришни тобора, кучайтиришмоқда.

СЎЗ — ТАЖРИБАКОРЛАРГА

нинг ҳар гектаридан 200 центнердан юқори сифатли каноп пояси олдик. Бу йилги режаларимиз янада улкан. Коллективимиз беш йилликнинг якунловчи йилида ҳосилдорликни 10 центнерга кўтариб, ҳар гектар майдондан 210 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган.

Биз шу мақсад йўлида астойдил ғайрат қиляпмиз. Каноп экилган далаларимиз ўтлоқи-тупроқли ерлар ҳисобланади. Бу майдонлари каноп ўрими бошлангунча етти марта суғорамиз. Ниҳолларимиз шоналагунга қадар икки марта, гуллагунча уч марта, етилгунча икки марта суғорилади. Биз экинни суғораётганда эгатларнинг сув босиб кетишига асло йўл қўймаймиз.

Афсуски, баъзи лубкорлар бунга етарлича аҳамият беришмайди. Шу сабабли анча ҳосил йўқотилади. Чунки, кўлатиб суғорилганда тупроқ зичлашиб қолади. Тупроқда ҳаво режими бузилади.

Каноп пояси сифатли бўлиши учун уни ўришдан олдин, албатта, суғориш даркор. Бригадамизда каноп ўрилишидан 7—8 кун олдин ўша пайкал яхшилаб суғорилади. Бунда гектарига 600—700 кубметрдан сув сарфланади. Натижада лубнинг ўзагидан ажралиши яхшиланади, тўфон камаяди, узуқ толалар бўлмайди, унинг сифати ортади.

Бригадамизда «кўк олтин»дан мўл ҳосил етиштиришда механизатор Мадиёр Шарипов, илғор сувчи ва колхозчиларимиздан Тоғбой Ўзбеков, Жўра Пўлатов, Уммат Жамшидов, Ҳалима Жамшидова, Гулхон Файзиқуловалар намуна кўртишаётир. Биз каноп парваришини янада кучайтириб, аҳдга яраша ҳосил етиштириш учун барча чораларни кўрамиз.

Г. ЖУНУСОВ,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхозининг бригада бошлиғи.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Партия ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр — ҳисобот ва сайловлар бошланмоқда. 10 августдан 20 сентябргача партия группалари, 1 октябрдан 15 ноябргача бошланғич партия ташкилотлари коммунистлар олдида ҳисоб берадилар. Ноябрь—декабрь ойларида район ва шаҳар партия конференцияларини, 1981 йил 16 январда эса Тошкент область ХХ партия конференцияси бўлиб ўтади.

Бу галги ҳисобот-сайлов кампанияси ажойиб дамларда, совет кишилари ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаётган, барча меҳнаткашлар КПСС XXVI съездини янги ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олаётган бир пайтда бўлиб ўтади.

Областимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари бутун совет халқи қатори КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладини зўр қўтаринкилик билан кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев докладида таъкидланганидек, «Ҳисобот-сайлов кампанияси зиммамизга партия ташкилотларининг партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишини қайта-қайта ҳар томонлама таҳлил этиш вазифасини юклайди. Янги съездга тайёргарлик кўриш — коммунистларнинг ҳам, шунингдек партиясизларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини юксалтиришнинг қудратли воситасидир.

Партия йиғилишлари ва конференцияларида партия ишининг — сиёсий, ташкилий, мафкуравий ишнинг ҳамма соҳаларига лозим даражада эътибор берилади деб ўйлайман».

Область партия ташкилоти партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош Секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларида баён этилган кўрсатма ва тавсияларни бажара бориб, меҳнаткашларни сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий тарбиялашга комплекс ёндошишга интилмоқда. Иш услуби ва методини такомиллаштириш, маъмурият фаолиятини назорат қилиш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш, коммунистларни ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларига қўйиш, социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш, иш сифати ва самарадорлигини ошириш устида алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Мусобақанинг олдинги сафларида коммунистлар бормоқдалар. Улар барча жойларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар, оммани олға томон чорламоқдалар, ўз тажрибаларини ёшлар билан ўртоқлашмоқдалар.

Барча ватанпарварлик ташаббуслари ижодкорлари коммунистлардир. «Бир беш йилликда икки беш йилдик», «Қолоқларсиз ишлайлик», «Шогирдга устоз марраси», «Йиллик план — Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача» шиори остида бошланган ташаббуслар эндиликда кенг оммаининг мулки бўлиб қолди.

Чирчиқ шаҳар партия ташкилотининг идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этишда тўплаган тажрибаси диққатга сазовордир. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўта чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналар коммунистларининг ташаббуси билан шаҳарда КПСС XXVI съездига юборилаётган, барча меҳнаткашлар сафида 11,6 минг киши иштирок этмоқда. Кўпгина новаторлар ва коллективлар съезд шарафига янги йилнинг биринчи кварталини планини бажаришга сўз бердилар.

Область партия активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида меҳнаткашлар эришаётган муваффақиятлар алоҳида тилга олинди. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида область бўйича пландан ташқари 622 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. 160 та корхона беш йиллик маррасига чиқиб олди. Корхоналарни реконструкция қилиш, техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, кенгайтириш ишлари қизғин давом этмоқда. Бу ишларга саноат корхоналарини ривожлантириш учун ажратилган капитал маблағнинг салкам 60 процента сарф бўлаяпти.

Область партия ташкилоти республика партия ва ҳукумати ёрдами ҳамда ғамхўрлиги билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бир маромда ривожлантиришга муваффақ бўлмоқда. Беш йилликнинг тўрт йили давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 21 процент, шу жумладан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қарийб 41 процент ошди.

Шонли пахтакорларимиз 1980 йил социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиб, она-Ватан хирмонига камида 430 минг тонна «оқ олтин» армуғон этишга азму-қарор қилганлар. Ҳозир бутун куч мана шу юксак мажбуриятни бажаришга қаратилгандир.

Олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида партия ташкилотлари актив ёрдам бермоқдалар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик даврида ҳар бир участкадаги иш алоҳида анализ қилинмоқда. топширилган иш учун коммунистлар масъулиятини янада ошириш чоралари кўрилмоқда.

Кўпгина шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳисоботларини тинглаб бориш практикаси кенг қўлланилмоқда. Бошланғич партия ташкилотларида йиғилишларни ўз вақтида ва намунали ўтказиш, йиғилишларнинг тарбиявий ролини ошириш соҳасида кўп ишлар қилинмоқда.

Ҳисобот ва сайлов давомида партия ташкилотлари ҳисобот даврида ўзлари бажарган ишларга танқидий кўз билан қараб, юксалишнинг янги марраларини белгилаб олишлари керак. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумида таъкидланганидек, хўжалик юритиш практикасида ҳам, ҳатто партия иши практикасида ҳам давом этиб келаётган нуқсонларга, камчиликларга танқидий назар билан қараш зарур.

«Съездолди умумхалқ мусобақасига етакчилик қилиш, совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ҳўжалик ва маданий қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш барча партия, совет ва хўжалик органларининг, касаба союз, комсомол ташкилотларининг биринчи навбатдаги бурчидир. 1980 йил планини ва умуман ўнинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш ўн биринчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг, мамлакатимизни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолади», деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорида. Бу муҳим сиёсий ҳужжатда асосий эътибор зиммадаги мажбурият ва мукобил планларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун зарур шароитларни яратиб беришга, хўжалик юритиш усулини такомиллаштиришга, мусобақа иштирокчиларини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг барча формаларидан самарали фойдаланишга қаратилади.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта ҳозирлик кўрилган бўлса ўша ерда коммунистлар активлиги юқори бўлади. Бунинг учун ҳисобот докладини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Докладда ютуқлар ҳам, йўл қўйилган нуқсонлар ҳам атрофлича, ишонарли рақамлар билан анализ қилинган бўлиши керак. Бунинг учун ҳисобот-сайлов йиғилишлари олдидан махсус комиссиялар тузиш керак. Бу комиссиялар доклад учун зарур материаллар йиғишда хизмат қилмоғи лозим.

Ҳисобот-сайлов кампаниясида ҳар бир детал эътиборга олиниши керак. Илғор партия ташкилотлари йиғилиш арафасида коллектив эришаётган ютуқларни кўрсатувчи стенд ва диаграммалар ташкил қиладилар, ўсиш ва улгайиш рақамларини кўрсатиб берадилар. Бу практикани барча жойларда кенг қўллаш фойдадан ҳоли эмас.

Бу йилги ҳисобот-сайлов йиғилишлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун кураш белгиси остида ўтади. Областимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари беш йилликнинг якуновчи йилида зиммага олинган юксак мажбуриятларни сўзсиз бажариб, бу катта анжуманларга муносиб меҳнат совғалари ҳозирлайдилар.



ТОШКЕНТДАГИ тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб комсомол-ёшлар вақтдан ўзиб меҳнат қилаяпти. Суратда: пешқадам тикувчи-моторист Шоира Баратова. У айни кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

СИФАТ УЧУН ДИПЛОМ

ЎЗБЕКИСТОН ССР Госстройи, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ишчилари касаба союзи республика комитети, Ўзбекистон фан-техника жамиятлари правлениеси ва Ўзбекистон архитекторлар союзи қурилиш сифати бўйича ўтказилган жамоатчилик кўрик-конкурсига якун ясадилар. Кўрик-конкурс ғолиблари орасида «Ўзэлектромонтаж» трестининг Чирчиқ монтаж бошқармаси коллективига ҳам берилди. Бу коллектив темир-бетон буюмлари ва норуда материалларни юксак сифат билан тайёрланиши таъминлагани учун шундай таҳсинга муваффақ бўлди.

М. ФЕЛЬДМАН.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

МУСОБАҚАДОШ ШАҲАРЛАР САНОАТИНИНГ 1980 ЙИЛ ЯНВАРЬ—ИЮНИДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

	Олмалиқ	Чирчиқ
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	94,8	102,1
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,1	102,0
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — минг сўмлик	3297	4733
Маҳсулот реализация қилиш планини бажармаган корхоналар сони	—	3
Меҳнат унумдорлиги бўйича планнинг бажарилиши — процент ҳисобида	101,7	101,3
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	93,1	101,9
Меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармаган корхоналар сони	3	6

ОЛМАЛИҚ

Ўтган биринчи ярим йилликда пландагидан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича социалистик мажбурият 1079 минг сўмлик зиёдаси билан адо этилди.

Асосий маҳсулот турларини натурада ишлаб чиқариш плани бажарилмоқда. Ўтган биринчи ярим йилликда пландагидан ташқари 124 минг сўмлик мебель, 326 тонна сунъий ювиш воситалари, 1114 тонна қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, 62 тонна гўшт ишлаб чиқарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 101,7 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 6,9 процент ошди.

Тўрт корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармади, олти корхона эса ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайтириб юборди. Уч корхона меҳнат унумдорлиги бўйича планни бажармади, тўққиз корхона эса ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириб юборди.

ЧИРЧИҚ

Пландагидан ташқари маҳсулот реализация қилиш бўйича ўтган ярим йиллик социалистик мажбурият 2515 минг сўмлик зиёдаси билан бажарилди.

Натурада асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмоқда. Пландагидан ташқари тўла баҳоси билан 183 минг сўмлик тикувчилик буюмлари, 18 минг жуфт пойафзал, 32 тонна гўшт, 18 тонна колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш плани 101,3 процент қилиб адо этилди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига бажарилган иш ҳажми ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 1,9 процент ортди.

Айни вақтда маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик план бор-йўғи 48,2 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса 47,9 процент қилиб адо этилди. Ваҳоланки, иш кунлари сони бўйича планнинг 49,2 процента бажарилиши керак эди.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмади. Беш корхона эса бу кўрсаткични ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан ҳам камайиб кетишига йўл қўйди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича планни олти корхона бажармади, ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни етти корхона камайтириб юборди.

ХОТИРЖАМЛИК ҲУКМРОН

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ РЕКОНСТРУКЦИЯСИДА

КОМБИНАТ ҳовлисида савлат тўкиб турган саккиз қаватли бино олдига келишимиз билан бир гуруҳ ишчилар ўзаро тортишаётганларининг гувоҳи бўлдик.

— Мен нима қилишим керак, ахир мен ҳам сизларга ўхшаган ишчиман-да, юз марта айтдим ўша бошлиқларга. Эртага юборамиз, индинга юборамиз, деб қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдиришади,— дея куйиб-пишиб тушунтирарди ўртада турган ўттиз беш ёшлардаги киши. Ҳамроҳимиз — «Ташпромстрой» трести 2-қурилишмонтаж бошқармасининг прораби Озод Раҳимов билан улар томонга яқинлашдик.

— Ўртоқ прораб,— деди бояги киши хуноб бўлиб,— бу нима деган гап ахир: арзимайдиган камчиликлар туфайли бригадам ишсиз турипти. Қани сантехникларингиз, электриклар, лифт монтажчилари қани? Бу объектни июнь ойида фойдаланишга топширишимиз керак эди. Мана, муддатидан икки ой ўтиб кетяпти...

●

— Мана шунақанги гаплар, укам,— дейди Озод ака мени реконструкция ишлари олиб борилаётган ип бўяш цехи томон бошлар экан.— Бояги киши бригадир Одил Турдиев. Унинг бригадасида ўн тўрт киши меҳнат қилади. Бинонинг лифт кўтаргичлари, сув трубалари, алоқа ва электр симлари ўтказилмаганлиги туфайли пардозлаш ишлари орқага суриляпти. Билмадим, бу иш қачонгача чўзилиб кетаркин...

Реконструкция ишлари олиб борилаётган ип бўяш цехидаги аҳвол ҳам бундан дуруст эмас. 1978 йилда бошланган қурилиш ҳалигача турли сабаб — баҳоналар паноҳида чўзилиб келяпти. Цех ичкарисида Б. Фозилов бошчилигида пардозлаш ишларини олиб бораётган 10—15 бўёқчи ва 2-монтаж бошқармасининг электр симларини ўрнатаётган бир монтеридан бошқа ҳечкимни учратмадик.

Бунинг сабабини суриштирганимизда, участка бошлиғи Саид Расулов, мастер Мадиёр Тўхтамедовлар объект ўз вақтида зарур материаллар билан таъминланмаётганлигини, шу сабабли ишчиларнинг кўпчилиги бошқа объектларда ишлаётганлигини айтишди. Мастернинг таъкидлашича, ишчилар 3 июндан 10 июнгача материаллар йўқлиги учун ишсиз қолган. Ғиштбоқарлари бошқармаси ўз вақтида материалларни етказиб бермаётган эмиш. Бунинг натижасида реконструкцияда меҳнат қилаётган қурувчиларнинг маоши ҳам кескин камайиб кетяпти. Қурилишнинг нони ҳисобланган бетон, цемент қоришмаси, арматура каби муҳим буюмлар ўз вақтида келмаётганлиги туфайли план ҳам бажарилмаяпти. Иккинчи квартал плани 75 процентда қолиб кетди.

Белгиланган график бўйича айни кунларда бу объектда 110 киши ишлаши керак эди. Амалда эса 45—50 ишчигина иширсиб юришибди.

Янги техника билан жиҳозланган ип бўяш цехини тезроқ буюртмачиларга топширилса, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бошланган бўлур эди, Афсуски, мана шундай муҳим объектнинг белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмай чўзилиб кетиши комбинатнинг планларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

«Ташпромстрой» трестининг раҳбарлари реконструкция ишларини 1980 йилнинг тўртинчи кварталигача тугатишга сўз берганлар. Илиқ-иссиқ шу кунлардаги ўзибўларчилик кайфияти, қаровсизлик ва эътиборсизлик муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ишнинг белгиланган муддатда бажарилмаслигидан далолат бериб турибди. Трест раҳбарлари ва буюртмачи бу хотиржамликка тезроқ чек қўйиши керак.

Р. АСЛОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИҚТИСОДИЙ БОШҚАРИШ

В. И. ЛЕНИН Улуғ Октябрь революцияси ғалабасидан кейинги дастлабки ойлардаёқ мамлакатимизда социалистик қурилишнинг туб масалаларига алоҳида аҳамият берган эди.

«Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида у бундай деб ёзган эди: «...Биз, большевиклар партияси Россияни ишонтирдик. Биз Россияни — камбағаллар учун бойлардан, меҳнаткашлар учун эксплуататорлардан уришиб олдик. Энди Россияни идора қилмоғимиз керак».

Ленин социалистик экономикани барпо қилиш ва уни бошқариш принципларини «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Мусобақани қандай уюштириш керак», «Буюк почин», «Оз бўлсину, соз бўлсин», «Ҳўжалик ва айниқса банк соҳасидаги сиёсатнинг асосий қоидалари», «Фан-техника ишларининг дастлабки плани» каби асарларида ишлаб чиқди.

Демократик централизм, сиёсий ва хўжалик раҳбарликнинг бирлиги, илмийлик, планли раҳбарлик, яккабошчилик ва коллегиячилик, меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантиришни уйғун олиб бориш, хўжалик фаолиятини ҳисоб-китоб, назорат қилиш, ишчанлик, сиёсий ва маънавий сифатларига қараб кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш каби принциплар ленинча асосий принциплардир. Бу принциплар бошқариш тўғрисидаги фан ва практикадан мустаҳкам ўрин олиб, социалистик қурилиш жараёнида давлат томонидан мамлакатимиз халқ хўжалигига планли раҳбарлик қилинишининг муқаммал, чинакам демократик системасида мужассамлашган, уларга амал қилиш, уларни ижодий қўлланиш ва такомиллаштириш экономикани бошқариш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишнинг гаровидир.

Доҳиймиз ижтимоий ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишда демократик централизм принципидан фойдаланишга биринчи даражали аҳамият берган эди. Ленининг фикрича, демократик централизмда Совет ҳокимияти иқтисодий негизи бўлмиш ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликнинг, ишчи ва деҳқонлар давлатининг туб моҳияти мужассамдир. Ленин демократик централизмни шундай илмий метод деб билган эдики, бу метод ёрдами билан социалистик экономикани қуришда марказий ҳокимият кучғайратини маҳаллий орган ларнинг, меҳнаткашлар оммасининг ижодий ёндошиши, ташаббуси билан бирлаштириш мумкин бўлади.

В. И. Ленин «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асарида бундай ёзган эди: «...чин демократик маънода тушунилган централизм, ёлғиз маҳаллий хусусиятларнигина эмас, балки жойларда бошланган почин ни, жойларда кўрсатилган ташаббусни ҳам тўла-тўкис ва ҳеч монеликсиз ривожлантириш борасида тарих биринчи марта яратиб берган имкониятни, умумий мақсадга олиб борадиган йўллар, усуллар ва воситаларини кўрамиз. Аммо улардан фойдаланиш учун том маънода бошқарув савиясини кўтариш зарур.

Партия Марказий Комитети шу йил июнь Пленумида бутун экономикамизни интенсив ривожлантириш, хўжалик фаолиятини пировард натижаларга эътиборни кучайтириш томон буриб юбориш иқтисодий стратегиямизнинг ўзаги эканлиги уқтирилди.

Ана шу улкан вазифаларни ҳал этиш учун эса планлаштириш ва бошқаришда бундан буён ҳам марказлаштирилган асосни мустаҳкамлаш лозим, бунда централизмни демократия билан, яъни қуйидан бўладиган ташаббусга кенг имкониятлар яратиб бериш билан чамбарчас боғланганлигини унутмаслик керак.

КПСС XXV съездига экономикани бошқаришни хўжалик механизмини ривожланган социализм даври талабларига муавофиқ равишда янада такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар системаси ишлаб чиқилди ва улар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлардан бири ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперативлаштириш асосида майда корхоналарни йириклаштириш, йирик комбинат, бирлашмалар ташкил қилиш натижасида ортиқча бўғинлардан ҳоли бўлишдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 85 та саноат-ишлаб чиқариш бирлашмалари мавжуд бўлиб, уларга 235 та корхона бирлашган. Масалан, республика озиқ-овқат саноати министрлигида 21, енгил саноат министрлигида 13, маҳаллий саноатда 4 та бирлашма ишлаб турибди. Маҳсулот реализация қилиш умумий ҳажмида ишлаб чиқариш бирлашмалари маҳсулотларининг салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ҳозир республикада қазиб чиқарилаётган нефтнинг, кўмир, газ, электр техника индустрияси, рангли металлургия, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати ускуналари, рўзғор холодильниклари ишлаб чиқаришнинг ҳаммаси, шойи газламалар ишлаб чиқаришнинг 30 процента ва тикилган буюмларнинг 50 процентдан кўпроғи шу бирлашмалар улушига тўғри келади.

Йирик бирлашмаларнинг барпо этилиши ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма соҳаларида фан-техника тараққиёти ютуқлари кўламини анча кенгайтириш имконини беради. Шулардан бири бошқарув механизмини механизациялаш проблемасидир. Бу йўлда анча иш қилинди. Масалан, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель», электрапарат бирлашмаларида бошқарув механизмининг асосий оғирлиги электрон техника зиммасига юклатилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Планлаштиришни яхшилаш ва хўжалик механизмининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисида» қабул қилган қарори ҳам ленинча бошқариш принциплари ва методларини ҳозирги давр талабига мос даражада ижодий ривожлантириб қўллаш зарурлигини белгилаб берди. Қарорда таъкидлаб ўтилгандек, «экономикага планли раҳбарликни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда демократик асосларни ривожлантириш ва меҳнат коллективларининг ижодий ташаббусини кучайтириш юзасидан тадбирлар системасини амалга ошириш зарур».

Хўжалик механизмини такомиллаштириш меҳнаткашлар коллективларини беш йиллик планларини бажаришда актив иштирок этишлари учун кенг имкониятлар очиб беради. Шу билан бирга план кўрсаткичлари системасига ҳам катта ўзгартиришлар киритилади. Эндиликда корхоналар, бирлашмалар ва министрликларда асосий кўрсаткич норматив соф маҳсулот кўрсаткичи бўлиб қолади. Бу соф маҳсулот корхоналарнинг ялпи ижтимоий маҳсулотни вужудга келтиришга қўшган ҳиссасини янада аниқроқ характерлайди, хўжалик ҳисобининг янада ривожланишини таъминлайди, хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини яхшилайди.

Ишлаб чиқариш кўламлари ортиб бораётган, хўжалик алоқалари мураккаблашиб, фан-техника тараққиёти жадаллашаётган ҳозирги шароитда иш вақти ҳар бир соатининг, ҳар бир минутининг, ички тартиб қоидаларига қатъий риоя этишнинг, ишлаб чиқариш ҳар бир участкасида кўнимли кадрларга эга бўлишнинг аҳамияти ошмоқда. Мамлакатимиз халқ хўжалигида ишлаётган кадрлар барқарорлигини ошириш, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ижтимоий ишлаб чиқаришни олға томон илгари ҳаракат қилишини таъминлайдиган муҳим резервлардан биридир. Шу муносабат билан яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қабул қилган «Халқ хўжалигида меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

В. И. Ленин бутун давлат механизмини ҳаракатга келтирувчи, жамиятимизни олға етакловчи куч бўлмиш малакали кадрларга партиявий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни муттасил тарбиялаб бориш ва камолотга етказиш, ҳамиша юксак талаблар қўйиш ва принципиал бўлишни ўргатган эди.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ташкилотчилари, хўжалик кадрлар малакасини ошириш учун 50 та тармоқ бўйича бутун Иттифоқ институтлари, 6 тармоқлараро республика институтлари, 82 жойларда шу институт филиаллари ва 11 факультет очилган. Бу институтларда тингловчилар ленинча бошқарув принципларини қўллаш, ўз назарий савияларини ошириш, ўсиб бораётган талабларни эътиборга олган ҳолда фан-техниканинг замонавий ютуқларини, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишни эгаллаб олишлари учун зарур бўлган билимларни ўрганадилар.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш самарадорлиги, иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, саноатни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, мазкур резервлар ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ ҳолда фойдаланиш — буларнинг ҳаммаси кўп жиҳатдан бошқарувнинг сифат ва самарадорлигига ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Партиямиз ленинча бошқарув принципларини такомиллаштириб, худди шу йўлдан бормоқда.

Б. УМАРОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

БЎЁҚЛАРДА ҲАЁТ ЖИЛОСИ

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ёш ижодкорларга тинмай ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Яқинда Ўзбекистон Рассомлар союзининг Марказий кўргазмалар залида очилган «Ёшлар намойиш этади» деб номланган кўргазма ҳам фикримизнинг яққол далили бўла олади. Кўргазма Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи, республика Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети томонидан ташкил қилинган бўлиб, у ҳар икки йилда бир марта уюштириладиган республикамиз ёш рассомлари янги асарларининг навбатдаги намойишидир.

Кўргазма экспозициясидан жонажон Ўзбекистоннинг турли шаҳар ва қишлоқларида яшаб, самарали ижод қилаётган 150 дан зиёд умидли ёш рассомларнинг 700 га яқин тасвирий санъатнинг турли жанрларидаги ранг-баранг асарлари жой олган.

Ёш мўйқалам соҳиблари она юртимизда бунёд этилаётган йирик иншоотлар, янги ўзлаштирилаётган чўл ва дашт зоналарида меҳнат қилаётган кишилар ҳузурида бўлиб, ўз асарларига янги қаҳрамонлар топмоқдалар, жўшқин ҳаёт оқими билан яқиндан танишмоқдалар. Худди шу ҳаёт материаллари рассомларнинг янги изланишларига илҳом бахш этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда талантли ёш рассом Алишер Мирзаевнинг янги асарлари эътиборни тортади. А. Мирзаев кейинги икки йил мобайнида Жиззах областида амалга оширилаётган ишлар, бу кўҳна ва навқирон воҳа кишиларининг яратувчан меҳнати, ўзига хос табиати билан чуқур танишиб, бир неча туркум асарлар яратди. Айниқса, мусаввирнинг «Жиззах тупроғининг одамлари» ва «Бахмал лавҳалари» туркум асарларига кирувчи «Чўпон», «Пахтакор аёл», «Чўлқувар» портретлари, «Бахмал қизлари», «Ота ва бола — чўпонлар», «Гилам тўқувчи» литографик асарларида оддий замондошларимизнинг қиёфаси, бой маънавий дунёси ранг-баранг бўёқларда ифодаланган. Бу асарлардаги рассом услубига хос тўқ рангларнинг ажиб товланиши томошабинларда хайрихоҳлик туйғусини уйғотади.

Замондошларимиз характерини тасвирлашга мойиллик Ориф Мўминовнинг асарларига ҳам хос. Унинг «Чўлнинг ўзлаштирилиши», «Экиш», «Бобомнинг боғида» каби асарлари фикримизни тасдиқлайди. О. Мўминовнинг суратларидаги услубий ўзига хослик шундаки, у танлаган манзара ва деталларини бирмунча олисроқ нуқтада туриб тасвирлашни хуш кўради ва кўпроқ оч ранглар билан ишлайди.

Намойиш қилинаётган асарлар орасидан иқтидорли ва тажрибали рассомлар Жавлон Умарбеков ва Баҳодир Жалоловларнинг янги ишлари ҳам жой олган. Бу асарларни кузатиш жараёнида беихтиёр бир суҳбатни эсладим: Икки ойлар чамаси муқаддам Озарбайжон ССР адабиёти ва санъатининг республикамизда ўтган кунларида СССР халқ рассоми Микаил Абдуллаевдан «Ёш ўзбек рассомларидан кимларни биласиз?», деб сўраганимда, кардош озарбайжон тасвирий санъатининг атоқли вакили «Ёш ўзбек рассомлари авлодига Жавлон Умарбеков ва Баҳодир Жалолов каби талантлар етакчилик қилаётганидан беҳад мамнунман» деган эди.

Ҳа, бу истеъдодли рассомларнинг ижоди машаққатли изланишлар эвазига йилдан-йилга янги шакл ва мазмун билан бойиб бормоқда. Хусусан, Ж. Умарбеков кейинги пайтда кўп саёҳатларда бўлиб, таассуротларини янги асарларига кўчирди. Рассомнинг «Ақлли инсон», «Соядаги», «Жазоир аёллари», «Сахрои Кабир. 350-километр» каби асарларида ифодаланган тасвирларга ижодкор ўзининг ҳаёт ва инсонга, макон ва замонга бўлган муайян фалсафасини сингдиргани яққол кўринади. Мусаввир иқтидорига хос фазилат шундаки, асар қайси мавзуда бўлмасин, рассом ҳаёт материалини катта санъаткорлик билан умумлашган образ даражасига кўтаришга интилади. Унинг «Афсонавий дивизия командири М. Миршаропов» ва «Тошкентда баҳор» полотнолари ҳам ана шу жиҳати билан эсда қолади.

Б. Жалоловнинг намойиш этилаётган асарлари орасида «Зулматдаги нур», «Бахт», «Еруғ тонг» (рассом Ш. Абдурашидов хотирасига) картиналари киши эътиборини тортади. «Зулматдаги нур» асарида ўтмишдаги инсон қисмати ва халқ донишмандлиги ҳикоя қилинади. «Ёруғ тонг»да эса ўспирин боланинг қўлида гуллаган ўрик навдаси, ёнида дуркун тойчоғи. Заминдан бир мунча юксакда олис кенгликларга чопиб кетмоқда. Гўё навниҳол ўспирин кишиларга баҳт келганидан дарак бериб, эзгулик улашмоққа шошилаётгандай...

Андижонлик У. Болтаевнинг инсон тақдирларини таққослаш орқали умр мазмунини ўйлаб кўришга ундовчи «Икки ҳаёт», фарғоналик В. Охуновнинг қишлоқ манзаралари тасвирланган асарлари, тошкентлик Ҳ. Раҳматуллаевнинг «Бригадир М. Розиев портрети», И. Ҳайдаровнинг «Бахмал оқшоми», «Бахмал. Бекатда кутиш», Ш. Абдурашидовнинг «Солдатнинг қайтиши» М. Содиқовнинг «Чўлнинг уйғониши», Ҳ. Саидовнинг «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мирзаёқубов портрети» каби асарлар ҳам бу мавзулифларнинг кейинги йиллардаги изланишларини кўрсатиб, ижодкорларнинг ўзига хос ижодий услуби, бадиий фантазияси ҳақида муайян тасаввур уйғотади.

Ёш рассомларнинг асарлари орасида графика жанрида муваффақиятли ижод этаётган А. Бобровнинг «Семурғ» достони (Ҳ. Олимжон)га ва ҳинд эпоси «Рамаяна»га ишлаган суратлари, Ф. Гамбаровнинг А. Орипов шеъриятига ва югослав эртакларига безаклари; линогравюрада ижод қилаётган А. Маҳкамовнинг «Ўзбек миллий ўйинлари» туркумлари бу мўйқалам соҳиблари ҳам ўзлари севган жанрда самарали иш олиб боришаётганини кўрсатади.

«Ёшлар намойиш этади» кўргазмасига ҳайкалтарошлик, кандакорлик, ҳалқ амалий санъати, плакат, чинни ва шиша материаллари асосида яратилган асарлар ҳам қўйилган. Табиийки, улар ҳам инсон заковати, гўзаллигини нечоғли теран ҳис этиши ва нафосат оламини яратиш иқтидорининг тимсоли сифатида санъат шайдоларида ҳайрат ва ҳаяжон уйғотади.

Албатта, кўргазмага қўйилган асарларнинг ҳаммаси ҳам юксак савияда деб бўлмайди. Табиийки, ёш ижодкорларда ҳали тажрибанинг етишмаслиги, шу пайтгача яратилган асарларга тақлид, баъзан эса ҳаётдан «қуруқ» нусха олиш каби ижод жараёнига ва изланиш машаққатларига хос нуқсонлар кўзга ташланади. Аммо бу жузъий камчиликлар ёш ижодкорлар асарларининг умумий муваффақиятига соя солмайди. Бундан кўргазмага ташриф этишга улгурган турли касб эгаларининг қалб сўзлари ёрқин гувоҳлик бермоқда.

Р. ҒАНИЕВ.



Суратларда: ёш мўйқалам соҳибларидан М. Нуриддиновнинг «Оналик», У. Болтаевнинг «Икки ҳаёт» ва Ж. Умарбековнинг «М. Миршаропов портрети» асарлари.

И. Глауберзон фоторепродукциялари.





ҲОСИЛ КАЛИТИ—МЕҲНАТ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Мовий денгиздек мавжланаётган пахтазорлар, қуёшқўнжи бўлиқ кўсаклар билан безанаётган гўзалар пахтакорларимизнинг эрта баҳордан тиним билмай қилаётган фидокорона меҳнатлари самарасини кўрсатиб турипти. Тунга уланган кунлар, саратон жазирамасида ҳам далаларни тарк этмаган пахтакор ва механизаторлар ғайрат-шижоати туфайли яшил пайкаллар ҳуснига-ҳусн қўшилаяпти. «Оқ олтин» ижодкорлари зарбдор меҳнат вахталарини давом эттиришяпти. КПСС XXVI съезди шарафига бошланиб кетган умумхалқ социалистик мусобақаси пахтакорларимизни янги, янада юксак марраларни забт этишга отлантирди. Улар йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, янги довонларни эгаллашни мўлжаллашмоқда. Шунинг учун гўза парвариши кучайтирилиб, ҳосилга-ҳосил қўшилмоқда. Пахтакорлар мўл ҳосил калити меҳнат эканлигини яхши биладилар. Уларнинг меҳнат шижоати қишлоқ мухбирларимизнинг хат-хабарларида ўз аксини топяпти.

— Партия XXVI съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрлашга аҳд қилган Бекобод районидаги «Коммунизм» колхозининг Ҳолбой Шукуров бошлиқ бригадаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш учун курашаяпти, — деб ёзади **Г. Нуралиев.** — Улар гўза парваришини қизғин олиб боришмоқда. Ҳозиргача гўза қатор ораларига беш марта ишлов беришди. Шу кунларда сувчилар А. Умаров, А. Сариқулов, Н. Мирзақуловлар айниқса жонбозлик кўрсатишаётир. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар бир гўза оби-ҳаётга қонмоқда.

«Коммунист» газетасининг ходими Р. Эсонов шу райондаги «КПСС XXV съезди» совхози 5-бўлими коллективининг гўза парваришида кўрсатаётган фидокорликлари ҳақида ёзиб юборган. Бўлим пахтакорлари съезд шарафига ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, 600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлашди. Далаларда ариқ ярашга ҳосил тўпланмоқда. Гўза культивацияси, суғориш, зараркунандаларга қарши кураш қизғин олиб борилмоқда.

Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози меҳнаткашлари ҳам мардлар майдонига айланган пахтазорларда ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётирлар. Гўза парвариши айниқса совхознинг Г. Мамедов, И. Арслонов, Х. Ҳайдаров, Б. Рафиқовлар бошлиқ бригадаларда яхши йўлга қўйилган. Бу ҳақда **Р. Козимов** хабар қилади.

— «Ленинизм» колхозининг Турлибек Яхшибоев бошлиқ бригадаси аъзолари Оққўрғон районида элликцентнерчилар ҳаракатини бошлаб берган ташаббускорлардир, — деб ёзади жамоатчи мухбир **М. Бобоева.** — Улар шу юксак аҳдларига яраша меҳнат қилишяпти. Бригадада ҳозиргача гўза қатор ораларига олти марта ишлов берилди. Бунда механизаторлар Т. Усмонов, С. Тожименовларнинг хизматлари каттадир.

Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози пахтакорлари ҳам ҳосилга-ҳосил қўшиш учун агротехника тадбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказишяпти. Улар ўртасида авж олган мусобақада механизаторлар М. Шарипов, Ю. Егоров, сувчилар У. Жамшидов, Т. Ўзбеков, Ш. Бозорбоевлар пешқадамлик қилишмоқда. Бу ҳақда «Ленин йўли» газетасининг ходими **А. Абдусамадов** хабар қилади.

Шунингдек, **О. Ҳамроев, Т. Усмонов, К. Бегмонов, Т. Холхўжаев, С. Одилов, А. Иброҳимов**лар ҳам пахтакор ва сабзавотқорлар, чорвадорларнинг КПСС XXVI съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари ҳақида ёзиб юборганлар.



Тошкент район чорвадорлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб беришди. Улар 1980 йил ва умуман беш йиллик топшириғини 1 сентябргача бажаришга қарор қилишди. Йил охиригача эса давлатга планга қўшимча равишда 500 тонна гўшт, 6 минг тонна сут ва бошқа маҳсулотлар сотилади. Бу юксак мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун чорва моллармга мўл-кўл ем-хашак жамғарилмоқда. Суратларда: Охун бобоев номли колхознинг ем-хашак бригадаси бошлиғи Ю. Холматов маккажўхоризорда. Бригада коллективи ҳар гектар майдондан 100 центнердан маккажўхори дони ва 800 центнердан кўкпоя олишга аҳд қилган; А. Навоий номли колхозда беда ўрими пайти.

А. Усмонов ва Р. Шамсуддинов фотолари. (ЎзТАГ).

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Токайгача...

АГАР ишингиз тушиб, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозининг 4-бўлими марказига бормоқчи бўлсангиз, орқага тез-тез қараб юрасиз. Сабаби, бўлим марказига автобус қатнамайди, йўловчи машинадан умид қиласиз, ҳолос. Бўлим механизаторлари бирнеча йиллардан бери мана шу аҳволдан «баҳраманд» бўлиб келишяпти.

Бундан беш-олти йил илгари «Солдатское — Гул» маршрутли автобус 4-бўлим маркази яъни Восток ва Комсомол участкалари орқали қатнар эди. Янги йўл очилиши муносабати билан бу маршрут автобуслари Энгельс, Куйбишев ва Қизана участкалари орқали қатнай бошлади. Ана шундан буён 4-бўлим аҳолиси учун транспорт масаласи муаммога айланди.

— Қишнинг совуғида, ёзнинг жазирама иссиғида азоб билан бозор-ўчар қиламиз, қариндош-уруғникига бориб келамиз, — дейди Гул луб заводининг ишчиси Абдуғани Абдураҳмонов. — Шаҳарда ўқиётган фарзандларимиз ҳам дам олиш кунлари келишга безиллаб туришади.

— Бундан ярим йил аввал бўлим аҳолиси номидан район партия комитетига ёзма равишда мурожаат қилган эдик, — дейди трактарчи, район Советининг депутати Жасим Ғажиев. — Лекин бундан ҳам натижа чиқмади. Ўтган йили ариза-лар жонларига тегдими, икки-уч ҳафта маршрутли такси юриб турди, лекин у ҳам «юлдуз кўрмай жон берди».

Ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан модий бойлик яратаётган, совхоз планларининг бажарилишига ҳисса қўшаётган 4-бўлим аҳолиси токайгача йўл азобини тортаркин?..

4-бўлим аҳолиси номидан:

Н. БОБОҚУЛОВА,

А. АБДУСАТТОРОВ,

ишчи-мухбирлар университетининг тингловчилари.

ИККИ МИНГ ТОННА МЕВА ВА УЗУМ ЕТИШТИРАМИЗ

ТОШКЕНТ районидаги Абдураҳмонов номли совхоз асосан мева ва узум етиштиришга ихтисослаштирилган. Хўжалигининг 345 гектар мевали боғи, 90 гектар узумзори бор.

Кейинги йилларда совхозда ҳосилдорлик пасайиб кетиб, халқ хўжалик планлари бажарилмай қолаётир. Масалан, ўтган йили давлатга 860 тонна ўрнига 240 тонна мева, 600 тонна ўрнига борйўғи 150 тонна узум сотилди, ҳолос.

Бу йил совхозга янги директор тайинланди. Эндиликда коллектив қолоқликдан чиқиш, юз бераётган камчиликларни аста-секин тугатиш, мавжуд боғлардан, ердан самаралироқ фойдаланиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Совхоз директори Асқар Одилов Паркент район боғбон ва соҳибкорларининг бир йилда икки йиллик мева ва узум етиштириш тўғрисидаги қимматли ташаббусларига қўшилиб қандай ишлар қилинаётгани ҳақида мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

Совхозимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида уюшқоқлик билан меҳнат қилиб, ҳосилга кирган боғлардан, токзордан мўл ҳосил олиш учун зарур агротехника тадбирларини амалга оширмоқдалар. Боғлардаги мевали дарахтлар ораси ҳайдалиб, суғориш ишлари яхшиланди. Илгари ишлаб турган тўртта насос сув етказиб беролмасди. Шуни ҳисобга олиб яна иккита қўшимча насос қурилди. Зарардли девпечак босган боғлар тозаланди. Дарахтларга шакл бериш, ҳашаротларга қарши дори сепиш, ўғитлаш ишлари тўғри йўлга қўйилди.

Совхозимиз коллективи амалга оширган ана шундай катор тадбирлар туфайли боғларда ва токзорларда мўл ҳосил етишмоқда. Паркентликларнинг қимматли ташаббусларига қўшилган боғбон ва соҳибкорларимиз ўз зиммаларига юксак мажбурият олдилар. Бу йил давлатга пландаги 860 ўрнига 1300 тонна мева, 610 ўрнига 700 тонна узум топширилади.

ПАРКЕНТЛИКЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

Ҳозир совхозимиз ишчиларининг куч-ғайратлари зиммага олинган социалистик мажбуриятни сўзсиз бажаришга қаратилган. Барча бригадалар ва оддий ишчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилмоқда.

Тоир Ғофуров бошлиқ бригаданинг 110 гектар мевазор боғи бор. Шундан 100 гектари ҳосилга кирган. Бригада коллективи бу йил ҳар гектар ердан 78 центнердан ҳосил олиб, давлатга пландаги 630 ўрнига 780 тонна мева сотиш учун курашмоқда. Ҳозир бу бригадада иш қизғин. Олма узиш, яшикларга жойлаш, машинага ортиб жўнатиш жадал давом этмоқда.

Раҳим Рихсибоев ва Турғун Қодировлар бошлиқ бригада коллективлари ўзаро меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқдалар. Бу икки бригада аъзолари беш йиллик планни тўрт йилда бажариб, ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар.

Шу кунгача эртапишар олма навларидан 100 тонна ҳосил йиғиштириб олиб, Магадан ва Кемерово шаҳар меҳнаткашларига жўнатилди. Боғларимизда эртаки, ўртаки ва кечки олмалар сероб. Улар пешма-пеш пишиб етилмоқда. Зиммага олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишига шубҳа қилмаса бўлади.

Лекин бу билан ишимизда нуқсонлар йўқ дея олмаймиз. Булардан бири боғлардаги мевали дарахтларнинг сийраклашиб қолганлигидир. Қуриган дарахтлар ўрнига ёш кўчат экиб, ўстиргунча, эски мевали дарахтлар қариб қолади. Шунинг учун жуда сийраклашиб кетган айрим ерлар текисланиб янгидан боғ қилинмоқда. Агар бу ерларга эски нав олма экилса, уни тўла ҳосилга кириши учун камида етти-саккиз йил ўтади. Шуни ҳисобга олиб 10 гектар ерга уч йилда ҳосилга кириадиган пакана навли олмадан гектарига 523 тупдан экилди.

Айрим ерларга тез ҳосилга кирадиган олхўри экиш планлаштирилиб, ҳозиргача 20 гектар ер тайёрлаб қўйилди.

Токзорларимиздаги кўчатлар ҳам талабга жавоб бермайди, кўчатлар сийраклашиб қолган жойлар кўп. Кўчатни бутлаб олиш учун парҳеш қилиш, айрим ерларга серҳосил нав узум кўчати экиш сингари тадбирлар амалга оширияпти. Хуллас, боғдорчиликни ривожлантириш учун ҳали кўп ишлар қилишимиз зарур.

Совхозимиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини ҳамма соҳаларда яхши кўрсаткичлар билан якунлади, мева ва узум етиштириш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солдилар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЎЧ ОЛИШДА БЕВОСИТА ҚАТНАШУВ

ҚОБУЛ, 4 август. (ТАСС). «Ҳақиқати Инқилобе савр» газетасидаги мақола АДРнинг тинч гражданларини жазолашда америкалик журналист бевосита қатнашганлигини фош этишга бағишланган.

Газета маълум қиладики, яқинда Тўр Пашша шайкасининг қатнашчиларидан икки киши — Муллаий Мир билан Модир Муҳаммад Гил АДР ҳокимияти органларига таслим бўлганлар. Бу шайка Покистоннинг жанубидаги Нангарҳар вилоятида босмачилик билан шуғулланган. Таслим бўлганлар қуйидагиларни гапириб бердилар: шу йил март ойининг охирида уларнинг тўдасига Покистондан Афғонистон миллий либосини кийиб, кино ва фототехника кўтариб олган бир гуруҳ кишилар келган. Булар америкалик журналистлар бўлиб, «дини ислом фидойилари» деб аталмиш кишиларнинг АДР тинч аҳолисига қарши кураши тўғрисида кинофильм ва фотосуратлар олганлар. Айни шу пайтда Тўр Пашша каллакесарлари Фотиҳобод қишлоғига ҳужум қилиб, ариқ тозалаётган 3 ишчини ушлаб олганлар. Босмачиларга кимни ўлдиришнинг фарқи йўқ эди. Қишлоқ аҳолиси янги Афғонистоннинг революцион маъмурларини қўллаб-қувватламаслиги учун уларни қўриқлаб қўйиш бас эди.

Ўлимга маҳкум этилган ишчиларни майдонга олиб чиқишди ва шу пайтда америкалик журналистлардан бири ишга тушди. У босмачиларга бечораларни олдин тошбўрон қилиш, шундан кейингина каллаларини олишни буйруқ қилди. Америкаликлар шу ҳунрезликнинг ҳаммасини кинопленкага ва фотосуратга олиб турдилар.

Мақолада шундан сўнг Америкадаги Си-Би-Эс телевизион компаниясининг шарҳловчиси Д. Разернинг «Кристчен Сайенс Монитор» газетаси мухбири билан қилган суҳбатидан парчалар келтирилган. Бунда Д. Разер Покистондаги саргузаштлари тўғрисида ҳамда шу йил март ойининг охирларида Афғонистон территориясининг Жалолобод шаҳри районида бўлганлиги ва «афғонларнинг озодлик учун кураши» тўғрисида фильм суратга олганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

Фактларни таққосласак, деб ёзади газета, уч афғон ишчисини қонга белаб ўлдиришда Си-Би-Эс телекомпаниясининг шарҳловчиси Д. Разер қатнашганлиги очиқ-ойдин бўлади.

Сўнгра газета газетхонларга мурожаат этиб, бу факт «дини ислом фидойилари» деб аталмиш кишиларнинг ёвузликларида америкаликлар бевосита қатнашганликларидан яққол далолат беради, деб ёзади. Газета АҚШнинг пропаганда хизматлари ўзининг ходимлари ёрдами билан АДРдаги вазиятни кескинлаштиришга уринмоқдалар ва бу мамлакатдаги воқеаларни батамом бузиб кўрсаташтирилар, деб ёзади.

ХАЛҚНИНГ ҚАҲР-ҒАЗАБИ

МАНАГУА, 5 август. (ТАСС). Никарагуа ички ишлар министрлиги тугатилган контрреволюцион шайканинг асир олинган аъзолари иштирокида матбуот конференциясини ўтказди. Ана шу шайка мамлакатнинг шимолидаги Нуэва—Сеговия департаментида ҳаракат қилиб келган.

Ички ишлар министри Т. Борхе ва хавфсизлик бошқармасининг бошлиғи Л. Серна матбуот конференциясида шайканинг ҳамма жиноятлари тергов давомида тамомила фош этилганлигини маълум қилдилар. Сандино халқ армияси постларига ҳужум қилиш, революцион маъмурларнинг вакилларини ва саводсизликка қарши кураш кампанияси иштирокчиларини ўлдириш, маҳаллий аҳолини талаш, янгидан тузилаётган деҳқон кооперативлари ва давлат хўжаликларининг мол-мулкига ўт қўйиш шундай жиноятлардандир. Шайка аъзолари ағдариб ташланган диктатуранинг Гондурасда бошпана топган арбоблари ва Гондурас реакцияси билан маҳкам алоқа боғлаганлар. Улар шайка аъзоларига пул ва қуроллар билан катта ёрдам берганлар.

Революция душманларининг қўпорувчилик ишлари Никарагуа халқини ҳақли равишда қаттиқ ғазаблантирмоқда.

АҚШ СЕНАТИГА ДАЪВАТ

ВАШИНГТОН, 4 август. (ТАСС). Американинг таниқли сиёсий арбоби сенатор Ж. Макговерн АҚШ сенатига мурожаат қилиб, «СҚЧ-2 шартномасини мумкин қадар тезроқ ратификация қилиш»га чақирди.

Ж. Макговерн сенатда сўзлаш учун тайёрлаган нутқида СҚЧ-2 шартномаси тинчликни сақлаш ва ядро урушининг олдини олиш учун ғоят муҳим эканлигини таъкидлайди. Бундай урушда, деди у, ҳеч ким ғолиб чиқмайди. Сенаторнинг фикрича, сенатнинг куз тартибида турган инфляция, солиқ ёки энергетика каби масалалардан кўра СҚЧ-2 шартномасини ратификация қилиш биринчи ўринда туриши керак.

Сенат, деб уқтириб ўтади Ж. Макговерн, ноябрь ойида ўтказиладиган президент сайловигача СҚЧ-2 тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Ўнга эришиш иложи бўлмаса сайлов тамом бўлиши биланоқ шартномани ратификация қилиш учунгина конгресс юқори палатасининг махсус сессиясини чақириш зарур.

ТЕЛЕТАЙП ЁНИДА 24 соат

● **ГАВАНА.** Орьенте вилоятининг Никеро шаҳридаги «Рене рамос латур» никель заводининг меҳнаткашлари ажойиб муваффақиятга эришдилар. Улар юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб беш йиллик планини муддатидан беш ой илгари бажардилар. Корхона коллективи ўз муваффақиятини Монкада казармаси штурм қилинганининг 27 йиллигига бағишлади.

Кубанинг никель ишлаб чиқаришда социалистик иқтисодий интеграция доирасида ихтисослашиши муҳим миллий манфаатларга ҳам, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига ҳам бўлган бошқа мамлакатларнинг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

● **МАДРИД.** Бу ерда озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизмат кўрсатишнинг баъзи турлари нархи яна оширилганлиги эълон қилинди. Матбуот хабарларига қараганда, ҳукуматнинг маҳсус декрети билан нон ва нон маҳсулотлари нархи 25 процент оширилган. Дори-дармонлар нархи ўрта ҳисобда 20 процент кўтаритирилган. Ўрта ва олий ўқув юртларининг студентларига ҳам ўзига хос «совға» инъом этилган: бу йил университетларда ўқиш учун тўланадиган ҳақ 25 процент, маҳсус ўқув юртларида эса 20 процент оштан.

● **БИСАУ.** Бу ерда Гвинея—Бисау Республикаси учун Гвинея ва Яшил Бурун ороллари африкаликлар партияси (ПАИГК) миллий кенгашининг мажлиси тугади. Бу мажлисда партия ва давлат қурилиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари диққат марказида турди.

● **ОТТАВА.** Канадада нарх-наво ҳамон тез ошиб бормоқда. Мамлакат қишлоқ хўжалиги министрлиги сут маҳсулотларининг ҳамма турлари нархининг яна оширилганлигини эълон қилди. Август ойида нон маҳсулотлари ҳам қимматлашади. Айни вақтда Канадада ишлаб чиқарилаётган нефть нархи ҳам кўпайтирилди, бу эса бензин ва дизель ёқилғисининг ўзўзидан қимматлашувига олиб келади.

● **ТОКИО.** Сайпан ороли ҳокими Франциско Диас бошчилигидаги Мариан ороллари аҳолиси делегацияси Япония илмий-техника бошқармасида бўлиб, Японияннинг АҚШ билан биргаликда ядро ишлаб чиқариши чиқиндиларини шу ороллар районига тўкиш режалари муносабати билан Япония ҳукуматига норозилик билдирди.

Делегация аъзолари Япония билан АҚШнинг ана шу режалари океан сувини ва денгиз маҳсулотларини радиоактив билан заҳарлаш хатарини келтириб чиқаришнинг ва шу тариқа ороллардаги аҳоли ҳаётини таҳдид остида қолдиришини айтдилар. Денгиз маҳсулотлари жаҳоннинг шу районидаги аҳолининг асосий озиқ-овқати ҳисобланади.

(ТАСС, 4 август).

ЯНГИЛИКЛАР «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ҲАБАР ҚИЛАДИЛАР

МОСКВАЛИК РАССОМЛАР СОВҒАСИ

«Политотдел» колхози маданият саройида ташкил этилган доимий расмлар кўргазмаси республикамизда илк бор очилган бадиий галерея сифатида эътиборни ўзига тортади. Унинг экспозициясига қўйилган тасвирий санъат асарларининг кўпи Ўзбекистон рассомларининг колхозга тортиқ қилган картиналаридир.

Райондаги «Ленинский путь» колхози ҳам яқинда ўзининг катта кўргазма залига эга бўлди. Бу бадиий галереяни ташкил этишда СССР Рассомлар союзининг Москва ташкилоти яқиндан ёрдам берди.

Галереянинг тантанали очилишида москвалик рассомлар 40 га яқин картинани колхоз маданият саройига армуғон қилганди. Яқинда Ватанимиз пойтахтидан бир неча янги расмлар олинди. Расмлар ичида «Ўзбек деҳқонлари В. И. Ленин ҳузурида» деган картина ҳам бор.

А. АКБАРОВ,
Коммунистик райони.

ОММАБОП НАШР

Бундан кўп йиллар олдин яшаб ижод қилган машҳур кишиларнинг портрет образларини яратиш ғоят масъулиятли ва мураккаб ижодий жараёндир. Бунда, шубҳасиз илмий асосланган ҳайкал образлари намуналари ҳам санъаткор учун жуда қўл келади.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Али ибн Сино портретини чизишга ҳам бундай маълумотларга асосланилди. Мутахассислар бу борада кўп изланишлар олиб бордилар. Булар, эндиликда муҳим тадқиқот объекти сифатида ҳам қимматлидир.

«Ибн Синонинг илмий асосланган ҳайкал образини яратиш» деган асарда бу масалалар ўз аксини топди. Буюк олимнинг минг йиллик юбилейи муносабати билан чоп этиладиган мазкур китоб «Медицина» нашриёти томонидан босмага тайёрланган.

Мазкур нашр ўзбек, рус ва инглиз тилларида босилади.

ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИГА БАҒИШЛАБ

«Совет Ўзбекистони» — чет эллик журналхонларнинг севимли нашрларидан бири бўлиб қолди. Бир неча йилдирки, мазкур журнал чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти томонидан кўп нусхада босиб чиқарилмоқда.

Унинг ҳар бир сони қизиқиш билан ўқилади. Серқуёш республикамиз экономикаси, фани ва маданиятига оид материалар унинг саҳифаларидан кенг ўрин олмоқда. Журналнинг ноябрь сони ҳам жуда ўқимишли бўлиб чиқади.

Бу махсус тайёрланаётган сонда ёритиладиган материаллар асосан СССРнинг Ўзбекистон ССР иштирокида шу йил кузида тарбий Африканинг Мали ва Юқори Вольта давлатларида бўладиган маданият кунларига бағишланади. Бу мамлакатлар билан ўзбек диёри ўртасида йил сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва маданий алоқаларга оид материаллар ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олади.

БУНЁДКОРЛАРНИ МАДҲ ЭТИБ

Тошкент театр ва рассомлик санъати институти студентларининг зарбдор Байкал—Амур магистрали қурилиши бунёдкорлари билан алоқани мустаҳкамлаб бормоқдалар. Олий ўқув юртининг рассомлик факультети юқори курс студентларидан бир группаси ўқув практикасини ана шу зарбдор участкада ўтказган эди.

Бу йил ҳам бўлажак санъаткорлардан бир неча киши БАМда қизғин ижодий иш билан банд бўлади. Улар кўрилишининг Тинда, Лапри, Могот, Беркакей сингари ўнга яқин участкасида бўлиб, бўлажаклари учун эскизлар чизадилар, янги қаҳрамонлар билан учрашадилар.

Кейинчалик ана шу расмлар асосида институтда ҳисобот кўргазмаси очилади.

МААРИФИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

ИНСПЕКТОР

Ҳали кечагидек ёдда: «Энг эъзозли касблардан бири — ўқитувчилик, деб уқтирган эди устоз, — негаки у дунёдаги ҳар қандай гавҳардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини тарбиялаб, уни улуғ ишларга ворис қилиб қолдиради... Педагогнинг йўли нурли йўл, истиқбол йўлидир. Фақат изланиш, олға интилиш лозим. Шундагина эзгу мақсадга эришилади».

Ушанда ёш знёкор Солиҳ Собитов мустақил меҳнат фаолиятини бошлаш бўсағасида турган эди. Мана шунга 45 йил бўлибди. Салкам ярим асрлик жўшқин педагогик фаолият бу!

Унинг меҳнат дафтарчасига кўз югуртирибсиз, знёбахш қалб эгаси дастлаб оддий пионер вожатий, кейин ўқитувчи, мактаб директори, Янгийўл район халқ маорифи бўлимининг мудири, 1952 йилдан бошлаб эса область халқ маорифи бўлимида инспектор вазифасида узлуксиз ишлаб келаётганини билиб олиш мумкин. Чиндан ҳам С. Собитовнинг мактаб бўйича инспекторлик ишига кўп меҳнати сингди. Ўттиз йилдирки, у шу лавозимда. Бу соҳанинг ипидан-игнасигача ҳамма-ҳаммасини беш қўлдек билади.

Мактаб инспектори маориф органларида асосий етакчи куч эканлигини у ҳамиша чуқур ҳис этади, таълим-тарбия жараёнининг деярли барча босқичларида актив қатнашишга эришади. Солиҳ ака қаерда бўлмасин, қайси бир ўқитувчи билан суҳбатлашмасин, фойдали маслаҳатларини беради, знёкорда шарафли касбга меҳр уйғотади.

Бекобод районидаги 23-мактабда бўлганида ёш ўқитувчи Ҳ. Умарованинг дарсларини ҳам кузатди. Ҳали унда педагогик маҳорат етишмасди. Синфда интизом бўш эди.

Мураббий бу камчиликларни бартараф қилиш йўллари ҳақида ёш педагог билан батафсил гаплашди.

— Тўғри, ўқитувчилик қилаётганингизга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ, — дея ётғи билан тушунтирди у. — Сиз, назаримда талабаларга нисбатан талабчанликни бўшаштириб юборганга ўхшайсиз. Вали, Қўчқорлар дарсда нега тўполон қилишди! Нега улар сўзингизга кирмади! Яна айтаман, талабчанлик етишмаяпти. Ўқувчининг машғулотга бўлган қизиқишини оширишимиз даркор.

Бу самимий ва фойдали суҳбат ёш ўқитувчига далда бўлди. У С. Собитовга тез-тез мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Зеро, меҳри бўлоқ бош инспекторнинг бой билим ва тажрибасидан қанчадан-қанча ёш ўқитувчи, райОНО ходими, мактаб директори баҳраманд бўлмади дейсиз!



Область халқ маорифи бўлими ҳузуридаги шаҳар ва район мактаб инспекторлари ва методистларининг доимий семинарига С. Собитов бошчилик қилиб келаётир. Семинар йиғилишларида у таълим-тарбияга доир муҳим мавзуларда докладлар билан ҳам чиқиб туради. «Мактаб инспектори—маориф жонкуяри», «Мактабга ёш ўқитувчи келди», «Фан кабинетлари ва ўқитиш методлари» каби мавзуларда ўқилган лекциялар кўпчиликка манзур бўлди. Унинг таклифи билан семинар машғулотлари кун тартибига халқ маорифининг актуал масалаларини бўйича қўшимча докладлар ҳам киритилди. Жойларда кўчма педагогик ўқишлар ўтказила бошланди.

Бош инспекторнинг ана шу кўп йиллик тажрибаси ва самарали изланиши натижаси ўлароқ «мактабда ўқув-тарбия ишларига раҳбарлик ва ички контроллиқни ташкил этиш схемаси» вужудга келди. Бу схема билим ўчоқларида иш юритишнинг энг мақбул усули сифатида республикамиз мактабларига тарқатилди.

Орадан кўп ўтмай мазкур схема кардош республикалар маорифчилари эътиборини ҳам ўзига тортди. Мактаб инспекторларининг Москвада ўтказилган Бутуниттифоқ семинар-кенгашида ҳам ушбу оригинал иш хусусида яхши гаплар айтилди. С. Собитов бу катта йиғинда қатнашиб, схемани яратиш жараёни, унинг ўқувтарбияда тутган ўрни ҳақида сўзлади. Ҳамма бир овоздан уни мамлакатимиздаги барча маориф органларига тарқатиш зарур деган таклифга қўшилди. Шунингдек, схеманн қайта нашр этиб, жойларга юбориш тадбирлари кўрилди.

Бундан олдин ҳам у Бутуниттифоқ семинар-кенгашга таклиф қилинган эди. СССР Маориф министрлиги ташаббуси билан ўтказилган мактаб инспекторларининг Бутуниттифоқ кенгашидан у бир олам қувонч билан қайтди. Бу йиғинда 50 дан ортиқ инспектор сўзга чиқди. Шулардан ўндан ортиқ нотиқнинг фикр-мулоҳазалари маориф иши учун жуда фойдали деб топилди. СССР Маориф министрлиги коллегиясининг тавсияси билан бу нутқлар алоҳида тўплам ҳолида босилиб чиқди. Тошкент область халқ маорифи бўлимининг бош инспекторқ С. Собитовнинг кенгашда сўзлаган нутқи ҳам шу китобдан ўрин олди. СССР Маориф министрлигининг органи «Народное образование» журналида эса кейинчалик ижодкор ва ташаббускор бош инспектор Солиҳ ака меҳнат фаолиятн ҳақида лавҳа ёритилди.

Солиҳ аканинг хизматлари муносиб тақдирланди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи фахрий унвони берилди, «Ҳурмат белгиси» орденига сазовор бўлди. Иттифоқ бўйича таъсис этилган «СССР халқ маорифи аълочиси» нишони ҳам область ўқитувчилари орасида биринчилардан бўлиб бунга берилди.

Меҳри дарё знёбахш қалб эгасига нурли йўл катта обрў ва бахт келтирди. Узнинг қутлуғ олтмиш ёшини ёруғ юз билан қаршилаган бу устоз мураббий ҳамон бардамлик билан бурчини шарафлаб келмоқда.

А. АЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН, 21-СОН ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1980—81 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлайди.

Барча ўқувчилар стипендия, уч маҳал бепул иссиқ овқат, кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар. Билим юртида бадиий ҳаваскорлик тўгараги, фото тўгарак, футбол,волейбол,баскетбол, кураш, бокс, стол тенниси мунтазам ишлаб туради. Алоҳида футбол майдони, отиш тири мавжуд.

Ўқиш давомида ўқувчилар Ватанимизнинг гўзал ва қаҳрамон шаҳарларига экскурсияларга борадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига ўқишга конкурссиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқиш муддати 1 ва 3 йил, 3 йиллик группаларга 8-синфни битирган ва 1 йиллик группаларга 10-синфни тугатган йигит ва қизлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ҚУЙИДАГИ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШИНГИЗ МУМКИН: кичик ветеринар фельдшер, чорвачилик фермаси механизатори, мева-сабзавотчилик бўйича мутахассислар, автослесарь, кенг ихтисосли тракторчи-машинистлар. Шоферлик, автослесарлик-тракторчилик гувоҳномалари ҳам берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 8 ёки 10-синфни битирганлик ҳақида шаҳодатнома ёки аттестат, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 8 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, ота-онасининг иш жойидан справка.

Бизнинг адрес: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Геофизика» посёлкаси (1, 16, 24-автобусларнинг, «Троицкий муюлиши» бекати. Луначарский шоссеидаги «Центр» бекатидан «Тошкент—Ченгельди», «Тошкент—Тузель» автобусларининг «Геофизика» бекати).

31- ВА 155-ТЕМИР ЙЎЛ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ 1980—81 ўқув йили учун

8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли йигитлар ва қизларни (15 ёшдан бошлаб), шунингдек, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганларни қуйидаги ихтисослар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

тепловоз машинисти ва унинг ёрдамчиси, тепловозларни ремонт қилувчи слесарь, электровоз машинистлари ёрдамчиси, сигнализация, марказлаштириш, блокировка ва алоқа электромонтёри, токарь, пассажир вагони проводниги, машинада қолипловчи, юкларни қабул қилувчи-топширувчи, электр пайвандчи, совутиш ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь.

Ўқиш муддати — бир, бир ярим йил ва уч йил.

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим-бош, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процента берилади.

Ўқиш даврида 30 сўм стипендия тўланади.

Уч йил муддатли ўқишни тамомлаганларга ўрта махсус маълумот тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло битирганларга олий ўқув юртига конкурсдак ташқари кириб ўқиш имкони берилади.

Билим юртини тамомлаганлар Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлинмаси зоналарида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида ўтказиладн.


Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, характеристика, мактабдан медицина картаси, 3х4 см. катталикдаги 8 та фотосурат ва директор номига ариза.

Машғулотлар — 1 сентябрда бошланади.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (15, 26, 23, 61-автобусларнинг «Замарин кўчаси» бекати), 31-билим юрти.

Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (22, 55, 106-автобуслар; 1, 5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати), 155-билим юрти.



«МАТБУОТ» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонаси янги ўқув йили учун ўзбек ва рус тилларидаги дарсликларни чоп этишни тугаллади. Суратда: муқовалаш цехининг илғор ишчиси Умри Муҳиддинова дарсликларни жўнатишга ҳозирлаяпти.

И. Глауберзон фотоси.

«ҲАЛИ ҲАМ КЕЧ ЭМАС...» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

БОЛА КЎНГЛИ ШИШАДАН НОЗИК

Инсон дунёга келиши биланоқ унда тарбияга эҳтиёж туғилади. Бу эҳтиёж инсон умрининг охиригача давом этади. Модомики шундай экан, ота-оналар олдида фарзанд тарбиялашдек олижаноб иш асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Болалар характерининг таркиб топувида ота-оналарнинг муомилалари, оилавий ҳаётдаги одиллик, эр ва хотин, умуман оила аъзолари ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар катта аҳамиятга эга. Характерларига кўра тақлидчан болалар ота-оналарида мавжуд хушмуомалалик, одоблилик, самимийлик каби фазилатлар, шу билан бир қаторда дағаллик, худбинлик каби салбий хусусиятларни ўз характерларига сингдириб оладилар.

Тарбия ишининг бир нозик томони ҳам бор, яъни ота-онанинг бағрида, оила қувончи билан ўсган болалар билан айрим сабабларга кўра ота-оналаридан ажралиб ўсган болалар психологияси ўртасида катта тафовут бўлади. Ота-оналаридан ажралган ҳолда ўсган болаларнинг баъзилари тажанг, ўжар, жанжалкаш бўлсалар, айримлари эса унинг акси ўлароқ ўқишда ва ишда жуда пассив, ҳаёлпараст бўладилар.

Маълумки, оилавий ҳаётнинг бузилиши, яъни эр ва хотиннинг бир неча йил бирга ҳаёт кечириб, сўнгра ўртада фарзанд бўла туриб ажралишлари катта фожиа. Шунинг учун ҳам ажралувчи ҳар икки томон шу ишни бола бўлгунга қадар ҳал қилсалар яхши бўлмасмиди? Модомики, шунча йил яшашди, бир-бирларининг яхши-ёмон ҳарактерларига нисбатан ўзларида кўникма ҳосил қилишди. Натижада ўртада оиланинг қувончи — фарзанд дунёга келди. Энди ажралишни ўйловчилар, яъни баъзи ота-оналар ўз тақдирларидан ҳам муҳимроқ бўлган масала — фарзандларининг тақдирини ўйлашса бўлмасмиди, деган савол кишини безовта қилади.

«Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Ҳали ҳам кеч эмас...» сарлавҳали мақоласини ўқиб қаттиқ тасирландим. Газетада бу мақола юзасидан мулоҳаза юритган ҳамма авторларнинг фикрларини тўла қувватлайман. Болалик оилаларнинг бузилиши фожиа эканлигини қуйидаги мисолда ифодалаб бермоқчиман.

Суҳбатдошимиз 14 — 15 ёшлар чамасидаги Тўхтамурод ўз бошидан кечирган ҳаётий воқеаларни шундай ҳикоя қилади:

— Мен онамни ҳам, отамни ҳам яхши кўрмайман, чунки улар мени яхши кўришмайди.

— Тўхтамурод сен ўзингча шундай деб ўйласанг керак, фарзанд суймас ота-она бўлмайди. Аксинча ота-онани суймас фарзанд ҳам бўлмайди, — деб унга тасалли бердик.

Аммо, Тўхтамурод маюс турар, худди каттани кичик қилиб қўйгандай вазмин сўзларди.

— Менинг онам медицина ҳамшираси бўлиб, ишлайди. Уни мен она деб атагим келмайди. Чунки у барча ўртоқларимнинг оналари каби меҳрибон эмас. Мени туққан холос. Фақат шунинг учун она дейманда. Отам эса қайси бир министрликда ишлайди. Онам отам билан бирга ишлаганларида (улар 8 йил бирга яшабдилар) 3 фарзанд кўришибди, фарзандларининг ҳаммаси ёшлигидаёқ вафот этибди. Тўртинчи фарзандлари мен эканман. Шугина бахтимизга туриб қолармикан деб бувим менинг номимни Тўхтамурод қўйган эканлар.

Тўхтамурод чуқур энтикиб олди.

— Мен бир яшар бўлганимда отам онамдан ажралибди. Чунки у ўзи билан ишлайдиган бир машинистка аёлга уйланипти, орадан уч йил ўтгандан кейин онам ҳам ўз тенгини топиб турмушга чиқибди. Мени ўз онасига қолдирибди. (Аслида мени туғилганимдан бери бувим бечора боққанку-я). Ҳозир онамнинг икки фарзанди бор. Отамнинг мендан бошқа фарзанди йўқ. Шу аҳволда мен бир йўла гўдакligимдаёқ ота-онанинг меҳри, шафқатидан маҳрум бўлиб қолдим. Мен бола бўлиб ота-онам бағрида яйрамадим, мактабга боргунга қадарли буларни яхши билмасдим.

Етти ёшга тўлганимда бечора бувим етаклаб мактабга олиб бордилар. Биринчи синф ўқитувчисига бир нималар деб уқтирдилар. Ўқитувчи менинг бошимни силаб олиб қолди.

Ўқий бошладим. Биринчи синфни битказиб иккинчи синфга ўтдим. Бир куни ўртоғим Акромларникига бордим. Унинг онаси мендан отанг борми, деб сўради:

— Ҳа, отам бор, катта ишда.

— Онангчи?

Онам ҳам бор. Фақат улар алоҳида туришади. Мен бувим билан тураман.

— Ундай бўлса онанг отангдан ажралган экан-да.

— Ҳа ажралишган, —дедим. Шунда Акромнинг онаси:

— Ота-онанг виждонсиз экан, деди-ю, яна ўзича тўнғиллаб, «бечора тирик етим экан, ташландиқ бола экан» деди. Ўғли билан менга мурабболи чой берди. Менинг томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди, миямда «ташландиқ бола», «тирик етим» деган сўзлар ўрнашиб қолди. Чой ичмадим, ўрнимдан турдим-да ўртоғимнинг онасига, ҳайр ҳам демай кўчага чопдим. Уйга келгунча кўчада йиғлаб келдим. «Тирик етим, ташландиқ бола» деган сўзлар юрагимни тимдалар эди. Бувим бошимни силади. Бағрига босиб эркалади. Мен ойимни согиндим дедим. Онам биздан бир маҳалла нарида туради. Онамникига бордим. Менинг қизарган кўзимни кўриб онам ҳайрон бўлди. Нега хафа кўринасан? — деди. Мен ҳўнграб йиғлаб юбордим. Бир оздан сўнг дадил туриб:

— Ойи, юринг уйга, мен билан туринг, мен ташландиқ ўғилмасман-а. Мен ўртоғимни олиб келиб, мана менинг ойим дейман. Мен тирик етим эмасман-а. Мен сизни ўртоқларимга кўрсатаман. Мен билан уйга юринг, деб туриб олдим. Онам ғаранг бўлиб турган эди. Ўғай отам келиб қолди. Мен яна ўша сўзларни такрорлайвердим. Шунда ўғай отам «олиб бор уни уйига, тинчлантириб кел!» деди. Охири онам мен билан бувимнинг олдига келди. Мен ўртоғим Акромни олиб келиб, «мана менинг онам» деб кўрсатдим. Бироз кўнглим тинчланди. Аммо, кечқурун онам ўз уйига кетадиган бўлди. Мен қанча қаршилик қилмайин барибир у уйга кетди. Мен аламимга чидайолмай яна йиғладим...

Шу ерга келганда Тўхтамурод жимиб қолди. Унинг эрта жароҳат етган қалби азоб чекарди. Боланинг хасрати кўп эди. Уни ифодалашга сўз излар, айтолмасди. Бир мактабда бўлиб ўтган бу суҳбат ҳаммамизни чуқур ўйлатиб қўйди...

Ота-онаси бевақт вафот этган болалар ҳам изтироб чекишади. Лекин улар мўътабар ота ёки онанинг хотираси билан яшайдилар. Лекин ота-онаси тирик туриб, етим яшаш бола учун фожиа! Буни ҳеч ким унутмасин! Кексa мураббий, она сифатида насиҳат қиламан. Оиланга қайт Тоҳир. Олти фарзандинг Тўхтамурод каби ўксиб ўсмасин, ахир бола кўнгли шишадан нозик, у синса бутлаш мушкул.

Н. ВАЛИЕВА,
педагогика фанлари кандидати.

ЭР КИШИ ШАЪНИГА ДОҒ ЭМАСМИ?

Мана, бир ойдан ортиқ вақт ўтди. «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида Б. Махситовнинг «Ҳали ҳам кеч эмас...» сарлавҳали мақоласи юзасидан жамоатчиликнинг фикр ва мулоҳазаларини кузатиб боряпман. Хат авторлари жуда ҳаққоний гапларни айтишмоқда. Ўз оиласи, олти фарзандининг қадрига етмаган Тоҳир Афзаловнинг ножўя ҳатти-ҳаракатини қоралаб, уни тўғри йўлга солиб юборишга ундамоқдалар.

Жумладан, мен ҳам уларнинг фикрларини тўла қўллаб-қувватлайман. Тоҳирнинг судья сўроғига «Инсон аввал ўзини ўйлаши керак», «Раъно яшаган уйда туриб бўладими?» деб берган жавоби кишини таажжублантиради. Наҳотки йигит киши ўзига шу қадар бино қўйса, наҳотки фақат ўзининг фароғати учун яшаса, бу ахир, эр киши шаънига доғ эмасми.

Ҳурматли редакция. Бу воқеа бизнинг Бекобод районида кўпчилик муҳокамасига тушган. Кўп сонли газетхонлар номидан илтимос қиламиз, Тоҳир яшаган маҳалла аҳли, у ишлаётган ишхона коллективи, ўртоқлик суди Тоҳирга қандай чора кўрди, Тоҳир оиласига қайтдими, йўқми? Натижасини газетада эълон қилсангиз.

Ҳ. ОТАҚУЛОВ,
Бекобод райони.

Спорт

МОСКВА ОЛИМПИАДАСИ АЪЛО ДАРАЖАДА ЎТДИ

Тинчлик ва халқлар ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшган Москва Олимпиадаси ҳар жиҳатдан қатнашчиларда ҳам, томошабинларда ҳам, мутахассисларда ҳам, қўйингки ҳаммада жуда яхши таассурот қолдирди. Олимпиада ўйинлари ҳақида мутасил хабарларни ёритиб борган жуда кўплаб чет эл матбуотлари мусобақаларни ташкилий жиҳатдан ниҳоятда юксак сурҳатда ўтганлигини таъкидлашда давом этмоқда.

Жаҳон спорти тарихида ёрқин из қолдирадиган Москва олимпиадаси ўзининг оммавийлиги ва юксак натижалари билан алоҳида ўрин эгаллайди. XXII Олимпиада ўйинларида жаҳоннинг 36 та рекорди ўрнатилди, олимпиада рекордлар жадвалига 74 та ўзгартиш киритилди. Бу Монреалдаги натижалардан бир мунча юқоридир.

ТАНАФФУСДАН СЎНГ

Мамлакат футбол чемпионати олий лигаси қатнашчилари Олимпиада муносабати билан календарь ўйинларни маълум муддатга кечиктирган эдилар. Кеча танаффусни тугатган футболчилар ўйинларни яна бошлаб юборишди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси Тбилисининг «Динамо» футболчиларини қабул қилди. Жадвалда пешқадамлик қилаётган «Спартак» эса «Локомотив» билан учрашди. Кечаги ўйинлар даврининг сўнгги матчлари бўлди. Бу турни ўтган куни «Торпедо» ва «Карпати» футболчилари бошлаб бердилар. Ўйинда ҳисоб очилмади.

«Пахтакор» дублёрлари тбилисилик тенгдошларини 2:1 ҳисобида енгдилар.

«БЎСТОН» ГАЛАБАСИ

Ўтган куни биринчи лига вакиллари навбатдаги 24-тур ўйинларини ўтказишди. «Бўстон» ўз майдонида Душанбанинг «Помир» коллективини қабул қилди. Бу командалар яқиндагина биринчи даврининг сўнгги турида Душанбада учрашган эдилар. Ўшанда Тожикистон футболчилари 2:0 ҳисобида устун келишганди. Жиззахлик футболчилар ана шу мағлубият аламини олиш ниятида майдонга чиқдилар. Лекин «Помир» ҳам бўш келмади. Стадионга келган кўпсонли мухлислар учрашувдан мамнун бўлиб қайтдилар. 3:2 ҳисобида устун келган «Бўстон» жадвалдаги аҳволини бир мунча ўнглаб олди.

Шу турнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Крилья Советов» — «Уралмаш» — 1:0; «Торпедо» — «Гурия» — 3:4, «Металлист» — «Заря» — 5:1, «Днепр» — «Колос» — 2:1, «Спартак» (Нл) — «Динамо» — 3:0, «Нистру» — «Спартак» (Ор) — 1:0, «Спартак» (Иф) — «Металлург» — 2:0, «Жальгирис» — «Искра» — 0:1, «Шинник» — «Факел» — 0:0, «Кузбасс» — СКА (Хб) — 1:1.

(ГАЗЕТАМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ СОНИ 8 АВГУСТДА ЧИҚАДИ).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ФРУНЗЕ РАЙОН САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

токарлар, фрезерчилар, ўймакорлар, йўнувчилар, деҳқончилар, полировкачилар, наждатчиклар, программ-соат бошқарув станокларининг операторлари, слесарь-ремонтчилар, электр монтёрлар.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАЛАРИГА:

электр пайвандчилар, кран машинистлари, қувур ётқизувчилар, дизелчилар, автокранчилар, прорабларг, мастерлар, бригадирлар, магистрал-қувур ётқизиш қурилиши бўйича тажриба орттирганлар; трассада ишлаш учун медицина ходимлари, техника таъминоти бўлим бошлиғи.

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИГА:

троллейбус ҳайдовчилар, кондукторлар, контролёрлар, машина фаррошлари, ғишт терувчилар, бўёқчилар, ойначчилар.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 39-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети. Совет Армияси майдони.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Финляндия ёш музикачиларининг концерти. 11.00 — Киносаёқчилар клуби. 12.00 — А. Бабажанян. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун соната. 12.25 —Илмий оммабоп фильмлар. 12.55 — 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Шахмат мактаби. 16.55 — Рус тили. 17.25 — Мураббий. 17.55 — Новосибирск Давлат академик опера ва балет театри солистлари ижросида опералардан ария ва дебютлар. 18.35 — Горнчилар, қаердасиз! 19.00 — Меҳнат — шон-шуҳрати байроқдорлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 20.25 — Бўлинган осмон. Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.15 — Қўшиқ ва халқ рақс ансамблари Бутунроссия кўриги қатнашчиларининг концерти.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Зумрад шаҳар сеҳргари. Спектакль. 12.30 — Фильм-балет. 12.45 — Берилмаган отпуска. Бадиий фильм. 18.20 — Кўғирчоқ фильм. 18.30—Тенгдошларинг ижоди. 19.00 — Фан программаси. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Езувчи ва замон. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дўстларимиз маслаҳати. 21.05 — Олтин водий қўшиқчиси. 21.30 — Время. 22.05 — Беҳаловат вақт. 22.30 — Ашаддий душман. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ёнгиндан эҳтиёт бўлинг. 20.55 — Реклама. 21.15 — Терек — дўстлик дарёси. 22.05 — Врач маслаҳати. 22.20 — Ишчилар сафидаги шоирнинг ўрни ҳақида.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02119. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64633. Б. 1662. 14